



Nókis q. A.Dosnazarov k. 62 úy, 0 (361) 222-24-37, 222-24-63, faks: 222-98-30
web-site: <http://kkedu.uz>, e-mail: qoraqalpogiston_xtv@xtv.uz

«17» декабрь 2021- j.

02-01/9-5705 - sanli

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2020 йил 28 декабрдаги 08-36/74-сонли топшириғига асосан 2021 йилда 150 нафар А.И.Герцен номидаги Россия давлат педагогика университетидан ўқитувчи ва мураббийлар Ўзбекистонга жалб қилиниб, улар томонидан ҳудудлардаги таянч мактабларда маҳаллий педагоглар билан ҳамкорликда дарс ўтишлари, ҳудудий малака ошириш марказларида рус тили ўқитувчиларининг малакасини оширишлари ҳамда рус тилини ўқитиш методикаси ва дарсликларини яратиши белгиланган.

Қорақалпоғистон Республикасига ташриф буюрувчи 6 нафар Россиялик мутахассисларнинг 2 нафари Нукус шахрига, қолган 4 нафарини Кегейли, Эллиққаъла, Мўйноқ ва Чимбой туманларига 1 нафардан юборилиши режалаштирилди.

Ҳозирги кунда 1 нафар методист Нестерова Татьяна Евгеньевна 2021 йил 2 октябрда Нукус шахрига келди, Республика малака ошириш ва қайта тайёрлаш ҳудудий марказига бириктирилиб, барча шароит ва қулайликларга эга уй-жой билан таъминланди.

Бундан ташқари, 2021 йил 22 сентябдан бошлаб Нукус шахри ХТБ тасарруфидаги 34-сон умумтаълим мактабига бириктирилган Насирова Шахлахон Зокиржоновна (яшаш манзили Нукус шахри 23 кичик туман 1/11 уй 40 хона) ўз фаолиятини бошлади.

2021 йил 14 декабрдан бошлаб Республикамизга келган:

Лукашевич Светлана Владимировна Чимбой тумани ХТБ тасарруфидаги 38-сон умумтаълим мактабида (яшаш манзили Чимбой шахри Бердак гузори 6 уй 11 хона);

Шостак Наталья Валерьевна, Эллиққалъа тумани ХТБ тасарруфидаги 66-сон умумтаълим мактабида (яшаш манзили Бустон шахри Физулий кўчаси 3 уй);


Семилетова Зульфия Айтмуратовна, Кегайли тумани ХТБ тасарруфидаги 1-сон умумтаълим мактабида (яшаш манзили Кегайли тумани маркази Дустлик – р/у);

Васильченко Евгения Георгиевна, Муйноқ тумани ХТБ тасарруфидаги 4-сон умумтаълим мактабида (яшаш манзили Муйноқ шаҳри Бердақ кўчаси 8 уй 17 хона) ўз фаолиятларини бошлашди.

Россия Федерациясидан келган барча мутахассислар яшаш жойлари ва зарур жиҳозлар (кондиционер, интернет тармоғи, музлатгич, диван, кир ювиш машинаси, шкаф ва ҳ.к.) билан таъминланган ва А.Авлоний номидаги илимий-тадқиқот институти томонидан ойма-ой тўловлар амалга оширилмоқда.

Ҳозирги кунда ушбу лойиҳанинг 3. босқичи амалга оширилаётган бўлиб, педагог-ходимлар худудлардаги мактабларда ўқувчиларга рус тилини ўргатиш ҳамда рус тилини билиш бўйича (ТРКИ) тест синовларини ташкил этиш ишларини амалга оширишмоқда.

Вазирнинг биринчи ўринбосари в.в.б:



Қ.Бекбаулиев

Ижрочи: М.Бердибаева
Тел: +99890-577-20-00

